

фойдаланиладиган ахборот тизими ва локал дастурлар мажмуи, балки иқтисодийнинг молиявий фаолиятини таъминловчи яхлит миллий тўлов тизими яратилди.

Банк назорати режали иқтисодийга хос назорат ва тафтиш тизимидан тубдан фарқ қилади. Бунда омонатчилар ва кредиторлар манфаатини ҳимоялаш мақсадида банк тизимидаги таваккалчилик даражасини тартибга солиш банк назоратининг бош вазифаси қилиб олинди, бу борадаги фаолият самарали амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мамлакатимизда ҳар томонлама мустаҳкам банк тизими, халқаро андозаларга мос келувчи замонавий банк назорати ва банклар фаолиятини тартибга солиш механизми вужудга келтирилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кредит бозори ва қайта молиялаш механизмини янада ривожлантириш ҳамда оптималлаштириш бўйича қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

- ўрта ва кичик тижорат банкларнинг кредит ресурслари таркибида Марказий банк марказлашган кредит ресурсларининг ҳиссасини ошириш;

- Марказий банк қайта молиялаштириш сиёсати доирасида тижорат банкларни молиялаштиришда марказлашган кредит ресурсларини аукционлар орқали сотиш амалиёти механизмини ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш;

- давлат ва Марказий банк тижорат банкларининг кредит ресурслари бўйича фоиз ставкаларини чеклаш ва ўрнатиш ҳамда имтиёзли кредит юқини тижорат банклари зиммасига ортиш амалиётини тугатиш ва бошқалар.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020– 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ– 5992– сонли Фармони, [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2. Мавланов Н.Н., Юлдашева М.Б. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлилини ахборот таъминотини такомиллаштириш // Молия ва банк иши. II сон. март – апрель, 2019, 106– б.

**Рузиева Дилобар Исомжоновна,  
ТДИУ, доцент, илмий раҳбар  
Даниқулов Миркамол Равшан ўғли,  
ТДИУ, МЕКР– 02 гуруҳи магистри**

## **ТУРИЗМ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР**

***Аннотация.** Мазкур мақолада туризмнинг иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилган. Ривожланган хорижий давлатларнинг ҳуқуқий қиёсий таҳлиллари ҳамда илгор тажрибаси асосида юртимизда туризмни ривожлантириш бўйича таклифлар келтирилган.*

***Калим сўзлар:** туризм, виза, визасиз режим, сайёҳлар, инфраструктура, гидлик фаолияти, хорижий давлатлар, қонун ва қонуности ҳужжатлар.*

Туризм бу – одамларнинг доимий яшаш жойидан ташқарига чиқиши билан боғлиқ ижтимоий, маданий ва иқтисодий ҳодиса бўлиб, мақсади одатда кўнгил очиш ва дам олишидир. Туризм саноатини эса аниқлаш қийин, чунки туризм саноатида бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ, битта аниқ маҳсулот мавжуд эмас. У кўплаб саноат тармоқларини, жумладан турар жой, транспорт, аттракционлар, сайёҳлик компаниялари ва бошқаларни ўз ичига олади. Кенг маънода туризм деганда, одамларнинг дам олиш, бизнес, соғлиқ ёки бошқа сабабларга кўра кетма– кет бир йилдан камроқ вақт давомида одатдаги муҳитдан ташқари жойларда саёҳат қилишлари ва қолишлари тушунилади.

Бугунги кунда туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Бу борада Ўзбекистонда туризм саноатини модернизация қилиш, соҳани барқарор ривожлантириш учун норматив– ҳуқуқий базани ривожлантириш ва такомиллаштириш, хорижлик меҳмонларга халқаро стандартлар асосида хизмат кўрсатишни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, мамлакат иқтисодиётида туризмни миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора– тадбирларни босқичма– босқич амалга оширилаётганлиги фикримиз исботидир.

Дунё амалиёти шуни кўрсатадики, туризм соҳаси барча инфратузилмаларни ривожлантиришга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий– иқтисодий ҳодисадир. Замонавий туризм транспорт, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг юқори даражада ривожланишига асосланган бўлиб, бу охир– оқибат уни иқтисодиётнинг юқори рентабелли соҳасига айлантиради.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ туризм соҳасини давлат томонидан қўллаб– қувватлаш, мазкур соҳа билан шуғулланувчи корхоналарга имтиёзлар яратиб бериш, шунингдек, туризм соҳаси учун инфратузилмани шакллантириш борасидаги ишлар жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон 1993 йил 4 октябрда Бутунжаҳон туризм ташкилотига Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб аъзо бўлди. Бу ўз навбатида Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш ишларига катта ижобий туртки берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора– тадбирлар тўғрисида”ги да ПФ– 5611– сон Фармонида “2019– 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”си ишлаб чиқилди. Концепция талабларига кўра мамлакат иқтисодиётида шу даврларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантиришга қулай иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушини ошириш, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган [1].

Шу билан биргаликда, бугунги кунда мамлакат иқтисодиётида туризм саноатини ривожлантиришда Европа ва Жануби– Шарқий Осиё мамлакатлари билан товар айланмаси, ташиладиган йўловчилар сони ва инвестицияларни кўпайтириш учун

республикадаги транспорт алоқа тизимини тубдан яхшилашга, яъни хорижий алоқаларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишим лозим.

Дунё амалиётидан маълумки, мамлакат иқтисодиётида туризм саноатни ривожлантириш орқали хорижий мамлакатларга ҳеч қандай ресурс чиқармасдан ҳам катта даромадлиликка яъни мамлакат иқтисодиётига валюта киритиш имконияти мавжуд. Буни бир қатор туризм саноати ривожланган давлатлар мисолида кўриш мумкин. Мисол учун: Туркия давлати 2022 йилда туризмдан 46,3 млрд доллар даромад қилган. Туркия 2022 йилда туризмдан 2021 йилга нисбатан 53,4 фоизга кўпроқ, яъни 46 млрд 284 млн 907 минг доллар даромад олган. Бу даврда туристлар мамлакатга шахсий эҳтиёжлари учун 34 млрд 477 млн 12 минг доллар харажат қилган бўлса, турпакетлар учун эса 11 млрд 807 млн 895 минг доллар сарфлаган [4].

Австрия, Англия, Италия, Франция, Испанияларда ҳам худди шундай юқори кўрсаткичларни кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари туризм саноатининг ривожланиши ёки туризм соҳасидаги саёҳатдан ЯИМга тушадиган тушумларнинг статистик маълумотларини 2019 йилга нисбатан 2021 йилдаги ҳолатини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин [5].

Дунё амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, 2020 йилда глобал саёҳат ва туризм бозоридан тушган даромад COVID– 19 пандемияси ва карантин чекловлари туфайли тушиб кетди. Бироқ, Mobility Market статистик ҳисоб– китобларига кўра 2019 йилдан буён 400 миллион АҚШ долларидан ортиқ пасайганидан сўнг, глобал саёҳат ва сайёҳлик бозори аллақачон тиклана бошлади ва 430 миллиард АҚШ долларидан ортиқ даромад келтирди, бу 2020 йилдан буён 100 миллиард АҚШ долларидан ошди. Айниқса, 2022 йилда бу даромад 600 миллион АҚШ долларидан ошди. Прогнозларга кўра, 2023 йилга келиб пандемиядан олдинги миқдор 730 миллиондан ошади. Бу ўсишда меҳмонхоналарнинг улуши юқори келадиган сегментдир [6].

р	т/ лар номи	Мамлакат	20 19 йил улуши (%)	20 21 улуши (%) йил	ўзгари ш, %	иқтисод ий ўзгариш ,%
1.		Австралия	9,3	4,7	– 6,8	+4,7
2.		Бразилия	7,7	6,4	+21,7	+4,4
3.		Япония	7,3	4,2	+22,9	+1,7
4.		Янги Зелландия	13, 7	9,0	– 8,9	+4,7
5.		Россия	5,0	3,7	+32,8	+5,1
6.		Ўзбекистон	5,3	2,6	+22,1	– 1,1

Туризм соҳасида изланиш олиб бораётган бир гуруҳ олимларнинг таъкидлашича, туризм ва сайёҳлик соҳалар иқтисодий ривожланишнинг драйвери – ҳаракатлантирувчи кучи эканлигини таъкидлашмоқда. Ушбу соҳалар янги иш ўринларига замин яратиш баробарида (ИСАО маълумотиغا кўра, 2017 йилда ҳар 10 иш ўрнининг биттаси шу соҳага тегишли бўлган) ижтимоий ривожланишга катта ҳисса қўшади. Туризм хизмат кўрсатишга асосланган иқтисодиётни яратиш ва ривожлантиришни рағбатлантиради. Ушбу фаолият доираси Тошкентдаги йирик меҳмонхоналардан тортиб, Самарқанддаги кичик хостеллар, халқаро аэропортлардаги бутиклар, Бухоро ва Хиванинг хушманзара кўчаларидаги кичик ҳунармандчилик дўконларигача бўлган қамровни қамраб олади. У инсонларда иқтисодий кўникмаларни

оширади, билим уфқларини кенгайтиради. Бугунги кунда аксарият мамлакатларда, жумладан, энг ривожланган 10 та мамлакатда бутун саъйҳаракатлар чет эллик сайёҳларни жалб этишга қаратилмоқда. Туризм ривожланаётган мамлакатлар учун, айниқса, пул оқимини оширишда фойдали бўлиши ҳаммага маълум [7].

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, мамлакат иқтисодиётида туризм саноатни ривожлантириш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: Буларга:

➤ малакат иқтисодиётида туризм саноатини ривожлантириш тармоғини тартибга солувчи меъёрий– ҳуқуқий асосни мукамаллаштириш лозим;

➤ алоҳида туризм хизматларини кўрсатиш қоидаларининг, шунингдек чет эл фуқароларининг тоифалари, уларни бўлиш муддатлари ва мақсадлари бўйича дунё амалиётида кенг қўлланиладиган алоҳида виза режимларидан самарали фойдаланиш зарур;

➤ туристик оқимни жойлаштириш воситалари ва инфратузилма объектларининг, айниқса туризм мавсумида етишмаслиги, турли транспортларда йўловчиларни ташиш тизимининг етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлигини инобатга олиб бу борада қатор ишларни амалга ошириш лозим;

➤ туристларни мавжуд туризм салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашни ташкиллаштириш даражасининг пастлигини инобатга олиб уни таъминлашда рақамли технологиялардан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш зарур;

➤ туризмни, авваламбор, хусусий секторда ривожлантириш учун қулай шарт–шароитлар яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ва сифатини ошириш, миллий туризм маҳсулотини дунё бозорида фаол ва комплекс равишда тарғиб қилишга алоҳида эътиборни кучайтириш зарур;

➤ туризм саноатини ривожлантиришга таклиф қилинаётган туризм инфратузилмасидаги хизматлар сифатини ошириш ва жаҳон бозорларида миллий туризм маҳсулотларини фаол тарғиб қилишга эришиш зарур;

➤ туризм саноатини ривожлантиришга қаратилган кадрлар салоҳиятини кучайтириш орқали туризм соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини янада оширишга эришиш.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора– тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 5 январдаги ПФ– 5611 Фармони.

2. Н.Хайдаров. Туризмни ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибаси. Очиқ иқтисодиёт: соғлом рақобат, бизнес муҳити инвестицион муҳит жозибadorлиги / Халқаро амалий анжуман / ТДИУ

3. Travel & Tourism Economic Impact 2018 world.

4. <https://pravacheloveka.uz/uz/news/turkiya-2022-yilda-turizmdan-463-mlrd-dollar-daromad-qilgan>

5. <https://wtcc.org/research/economic-impact>

6. <https://www.statista.com/forecasts/1238973/revenue-in-the-travel-and-tourism-market-worldwide>

7. <https://strategy.uz/index.php?news=874>